



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

*O‘zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko‘chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021-yil “ 15 ” септ

№ 536

Yangibozor tumani

**“Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Рўзимов Ғайратга  
қўшимча дала томорқа ер майдони ажратиш тўғрисида**

“Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Рўзимов Ғайратга қўшимча томорқа ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонунининг 6,10,25- моддасига асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Рўзимов Ғайратга Бошқирших қишлоғи “Навбахор” маҳалласи ҳудудидан туман захира ерлари ҳисобида турган 102-қисм контурдан 0,12 гектар ер майдони қўшимча томорқа сифатида умурбот фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га қўшимча томорқа учун ажратилган ер участкасини жойида (натурада) белгилаб бериш вазифаси топширилсин.
3. Туман давлат солиқ инспекцияси (У.Аширов)га, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) га ушбу қарорга асосан ўз ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Фуқаро Рўзимов Ғайратга туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматида рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Янгибозор туман ҳокими**



**У.Курбанов**